

**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича
№ 24-сонли ШАРТНОМА**

“16” июнь 2022 йил

Фуркат тумани

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи **”Бинокор-муҳандис-таъмир”** хусусий корхонаси (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) номидан раҳбари **Ж.Исроилов** биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Фуркат тумани Халқ таълими бўлими** номидан (қелгусида “бююртмачи” деб аталади) раҳбари **М.Ортиқов** ўртгаларида танлов асосида шаклланган ва лойиха смета хужжатларига асосан куйидаги максадларда тузилади:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Пудратчи» «Бююртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра куйидаги турдаги жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради.

1.2. 17-сонли умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш ишларини 2022 йил 3 июндаги лот **99872** га асосан нуқсонлар далолатномаси бўйича бажариб бериш:

2. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ.

2.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати **45 000 000** (Қирқ беш миллион) сўмни ташкил қилади.

ҚҚС (0.00) сўмни ташкил қилади.

2.2 Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб, тегишли хужжатлар расмийлаштирилади ва ўзаро келишувига асосан ушбу шартномага илова қилинади

2.3 Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати **10** (ўн) кун

3. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун хисоб-китоб сметада кўрсатилган нархларда, хар ойда бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошка тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб “Бююртмачи” томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси ёки калькуляция ва баҳолар прејскурантлари асос бўлиб хисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар топилса, хато ва камчиликлар ушбу фарқ « Пудратчи » хисобидан қопланади.

3.2 «Бююртмачи» олдиндан **30%** миқдориди туловни амалга оширади ҳамда тўлиқ хисоб-китобни «Пудратчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг **70%** тўловини амалга оширади.

4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ:

4.1. «Бююртмачи» томонидан олдиндан тулов амалга оширилган кундан бошлаб 3(уч) кун муддат ичида “Пудратчи” томонидан таъмирлаш ишлари бошланиши шарт. Бажарилиши лозим бўлган ишлар 10(ўн) кун муддат ичида якунланиши шарт.

4.2. « Пудратчи » бажариладиган ишларни амалдаги қурилиш қоидалари ва меъёрий талабларига мувофиқ бўлишини ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

4.3 « Пудратчи » ишларнинг бажарилишини техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.

5. ТОМОНЛАРНИ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 «Пудратчи» мазкур шартномада назарда тутилган таъмирлаш ишларини тўлиқ хажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини олади.

5.2 «Бююртмачи» таъмирлаш ишлари жараёнида бажарилаётган ишларни лойиха смета хужжатларига мослигини ва сифатини назорат қилиб боради. .

5.3 «Бююртмачи» томонидан «Пудратчи»га таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиб берилади ва бажарилган ишлар бўйича тузилган Шакл-2 далолатномаларини қабул қилиб олади.

5.4 Бажарилган ишларда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, «Бююртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва 10 кун муддатда « Пудратчи »га хабар юборилади. « Пудратчи » томонидан ушбу аниқланган камчилик ва нуқсонлар ўз маблағи ва ўз кучи билан 10 кун давомида бартараф этилади.

6. ЖАРИМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

6.1. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

6.2 Агар «Пудратчи» томонидан бажарилиши лозим булган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларида бошланмаса ва якунланмаса, «Пудратчи» бажарилмаган ишлар кийматини **0.5%** миқдорда хар бир муддати ўтган кун учун «Бююртмачи»га жарима тулайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматини **50%** дан ошмаслиги керак..

6.3 «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда якунлангандан кейин «Бююртмачи» томонидан тўловлар ўз муддатида амалга оширилмаса, тўланмаган сумманинг **0,4%** миқдорда хар бир муддати ўтган кун учун «Пудратчи»га жарима тулайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси ўтказиб берилмаган маблағлар суммасини **50%** дан ошмаслиги керак.

6.4.Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф **20%** миқдорда жарима тулайди.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ:

7.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажармаслиги табиат ходисалари, уруш, оммавий тартибсизликлар ва бошқа енгиб булмас куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

7.2. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар **коррупцияга** қарши курашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини кафолатлайди.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР:

8.1 Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса **иқтисодий суди** ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибида ҳал қилинади.

8.2 Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8.3 Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил “31” декабр”гача амал қилади. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга қиради.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Хизмат кўрсатувчи»

”Бинокор-муҳандис-таъмир” х/к

(Хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Фурқат тумани

Калдушан қишлоғи

Тел./факс :91 141 34 52

х/в: 20208000405056288001

Банк номи: Ўзбекистон тумани Агробанк

МФО : 00533 СТИР: 306000382

ОКОНХ: 61110

«Истеъмолчи»

Фурқат тумани Халқ таълими бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фурқат тумани

Янги қишлоғи Анхор кўчаси 10-А уй

Тел./факс 73-54-91-430

ш/х: 100022860302387092100075039

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 200201654

ОКОНХ: 92310

Ғазна х/в :23402000300100001010

Банкнинг номи.Марказий Банк Тошкент ш.ББ
ХККМ.

МФО: 00014 Ғазначилик СТИРи: 201122919

Фурқат тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси.

Раҳбар:

М.Ортиқов
(Ф.И.Ш)

Раҳбар:  Ж.Исроилов
(Ф.И.Ш)

(имзо)

(имзо)





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

**FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
FURQAT TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

151700, Furqat tumani, Mevazor ko'chasi, 20-uy,
Tel.:(99873) 549 12 47, el. pochta: furqat-t-yurmarkaz@adliya.uz

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

16.06.2022 yil

Furqat tumani

1.Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Furqat tuman xalq ta'limi bo'limi va Binokor Muxandis ta'mir xususiy korxonasi o'rtasidagi 4500000 (qir besh million) so'm miqdoridagi joriy ta'mirlash ihlarini bajarish to'g'risidagi shartnoma

3. Loyiha ishlab chiqilgan va kiritilgan sana: Furqat tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022 yil 16 iyun kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 16 iyun kuni markazga taqdim qilingan.

4. Loyiha bo'yicha taklif va (yoki) e'tirozlar:

Furqat tumani xalq ta'limi bo'limi va Binokor muxandis ta'mir xususiy korxonasi o'rtasidagi 24-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi mazmunan o'rganib chiqildi.

O'rganish natijalari, bo'yicha ushbu shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining "Fuqarolik Kodeksi" va "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi qonuni va boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilganligi ma'lum bo'ldi.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

XULOSA

Furqat tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan taqdim qilingan 24-sonli shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o'tkazildi, yuqoridagilarga asosan mazkur shartnoma loyihasini tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq.

**Furqat tuman YuXKM
bosh yuriskonsulti**



U.Xamidov

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Фуркат тумани ХТБ мудирини

комиссия раиси:  М.Ортиқов

“ 15 ” июнь 2022 йил

Фуркат тумани Халқ Таълими бўлими тасарруфидаги 17-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 2022 йил бюджетдан (ШХР 100022860302387092100075039) ажратилаётган маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш мақсадида танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг йиғилиш

БАЁНИ № 1

Қатнашдилар:

Комиссия раиси — М.Ортиқов Фуркат тумани ХТБ мудирини,

Комиссия аъзолари — Д.Умурзақов ХТБ мудирини ўринбосарини,

Ж.Юлдашев Фуркат тумани ХТБ бош муҳандисини,

А.Тошқўзиев Фуркат тумани ХТБ бош ҳисобчисини,

А.Усмонов товар моддий қийматликлар бўйича ҳисобчини.

Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ -684 сонли “Давлат харидлари тўғрисидаги” ги қонунига мувофиқ 2022 йил 20 июнь 2022 йил куни энг яхши таклифларни танлашга жойлаштирилган лот № 99872 рақамли Фуркат тумани ХТБ тасарруфидаги 17-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш учун товар хом ашё биржасининг махсус ахборот порталига 03.06.2022 йилдан 13.06.2022 йил кунигача 5 иш кунига эълон жойлаштирилган. Ушбу эълон бўйича 13.06.2022 йилгача 4 нафар қурилиш соҳасига ихтисослашган корхоналардан таклифлар келиб тушди. Жумладан:

“Бинокор-муҳандис-таъмир” х/к,

“Тилло-тепа қурилиш монтаж” МЧЖ,

“СП MASTER NA CHAS” МЧЖ,

“NAVBAHOR GOLD STROV” МЧЖ лар томонидан таклифлар келиб тушган.

Таклифлар бўйича комиссия аъзолари ўрганиб чиқиб 13.06.2022 йил куни баҳоланган ва 2 иш куни мобайнида муҳокамага қўйилган. 16.06.2022 йил кунигача 2 иш куни мобайнида эътирозлар келиб тушмади. 16.06.2022 йил куни ХТБ тасарруфидаги 17-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича қолиб деб топилган “Бинокор муҳандис таъмир” х/к билан шартнома имзоланди.

ХТБ мудирини ўринбосарини:



Д.Умурзақов

Фуркат тумани ХТБ бош муҳандисини:



Ж.Юлдашев

Фуркат тумани ХТБ бош ҳисобчисини:



А.Тошқўзиев

Товар моддий қийматликлар бўйича ҳисобчини:



А.Усмонов

C-538

1660928



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BINOKOR MUXANDIS TA'MIR" Xususiy korxonasi

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"BINOKOR MUXANDIS TA'MIR" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

17.01.2019

669055

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306000382

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Xususiy korxonasi

Joylashgan joyi:

Farg'ona viloyati, Furqat tumani, KALDUSHON QISHLOG'I,

Guvohnoma:

Farg'ona viloyati, Furqat tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

